



ТЕЗКОР ҚИДИРУВ ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗИШДА ИНСОНЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ВА ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Каримов Ёрқин Нуруллаевич

ИИБ Академияси магистратура тингловчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7812925>

ARTICLE INFO

Received: 31th March 2023

Accepted: 09th April 2023

Online: 10th April 2023

KEY WORDS

Тезкор-қидирув иадбири,
инсон ҳуқуқлари, Федерал
Тергов Бюроси(FBI),
Марказий Разведка
Бошқармаси (МРБ), Мудофаа
вазирлиги разведка
бошқармаси (МВРБ), Ички
даромадлар хизмати (IRS),
Молиявий ЖҚК бюроси (Fin
CEN), Криминал полиция
федерал маҳкамаси
(Bundeskriminalamt), Ҳарбий
контрразведка,
Гиёҳвандликка қарши
курашиш бошқармаси (ДЕА).

ABSTRACT

Ушбу мақолада тезкор қидирув тадбирларини ўтказишда инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда АҚШ, Канада, Италия, Германияда, Буюк Британия, Швеция ва бошқа ривожланган давлатларнинг тажрибалари таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг янги босқичида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, унинг қонуний манфаатларини амалда таъминлаш масаласи ҳамма нарсадан устун деган инсонпарварлик тамойили асосида ривожланишини дунё ҳамжамияти олдида эътироф этилди. Сўнги йилларда Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг ҳалқаро алоқалари кенгайиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида хорижий давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги жадал ривожланмоқда.

Тадқиқот доирасида тезкор-қидирув тадбирларида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонунийликни таъминлаш бўйича хорижий давлатларда тўпланган тажрибани ўрганиб чиқиш, мазкур муаммони самарали ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги, яъни жинойтчилик биз учун янги, ҳалқаро ва миллатлараро тавсифдаги уюшган шаклларда намоён бўлаётган шароитларда унга қараши самарали кураш олиб



бориш борасида барча давлатлар ва уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда бу йўналишдаги тўпланган тажрибани биргаликда ўрганиб чиқиб ишлаш тақозо этилади. Хорижий фуқаролар бизнинг республикамизда жиноятларнинг нафақат объектлари, балки субъектлари бўлиб ҳам қатнашмоқдалар. Шу боис ҳам 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жиноий полиция ҳалқаро ташкилоти (Интерпол)га аъзо бўлиб кирди ва ушбу соҳадаги фаолиятни мувофиқлаштирувчи мустақил марказ Интерпол миллий маркази бюроси ташкил этилди ҳамда у бир вақтнинг ўзида ҳалқаро Интерпол ташкилоти ташкилий тизимининг таркибий қисми ҳисобланади¹.

Ички ишлар органларда жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, уларни олдини олиш, қидирув ишларини амалга оширишни такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича кенг қўллаш ишлар, хусусан қонунийлик ва ҳуқуқ-тарғиботни таъминлаш соҳасида илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва уни Ўзбекистон Республикасида жорий этиш лозим².

Хориж давлатларида уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, одам савдоси, гиёҳвандлик ва терроризм билан боғлиқ жиноятларни фош этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимидаги криминал полиция бўлинмалари ҳамкорлик қилувчи шахслар ҳамда замонавий махсус техника воситалари имкониятларидан самарали фойдаланишлари аниқланди. Жумладан: АҚШ, Европа ва бошқа ривожланган давлатлардан фарқли ўлароқ Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги (МДХ)га аъзо давлатлар, хусусан, Россия Федерацияси, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикаларида жиноятчиликка қарши курашишда тезкор-қидирув фаолиятни ташкил қилиш, амалга ошириш тартиблари ва тезкор-қидирув тадбирлари тактикаси бир-бирига ўхшашдир.

МДХга аъзо мамлакатларнинг қидирув ишлари тажрибаси таҳлили шуни кўрсатдики, тезкор-қидирув фаолиятининг ушбу йўналишини ташкил этиш механизми, ҳаракатлар йўналишини ва қидирув ишини олиб бориш тартиби бир-бирига ўхшаш, улар асосан ахборот технологиялари ва криминалистик таъминлаш билан фарқланади. Бундан ташқари, ушбу барча давлатларнинг қидирув соҳаси давлатлараро қидирув тизими билан бирлаштирилган³.

АҚШ, Канада ва Европа давлатларидаги Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар тизимида жиноятчиликка қарши кўрашиш олиб боровчи тезкор-қидирув бўлинмалари мавжуд бўлиб, бу криминал полиция хизматидир⁴. Бир қатор хорижий давлатларнинг криминал полицияси ходимлари томонидан дастлабки тергов

¹ Ўзб.Рес.ИИБнинг "Ўзб.Рес.да Интерпол миллий маркази бюросини ташкил этиш тўғрисида"ги 1994 йилдаги № 335-сонли буйруғи.

² Постановлению Президент Республики Узбекистан № 2923с от 24.04.2017 года. "О мерих покоренному совершенствованию оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел".

³ Гордеев С.Н. Организация розыскной работы правоохранительных органов (зарубежный опыт)// Журнал зарубежного законодательства и сравнительного правоведения.-Т. Ўзб.Рес.ИИБ.Академиясининг ахборотномаси. 2016 №3. С-136-137.

⁴ Организация деятельности ОВД зарубежных стран.-М., 1990. С-320.



ўтказиш хусусиятлари шундаки, уларда далиллар тўплашнинг ошкор ва ноошкора усуллари ўртасида аниқ фарқ йўқ. Бунда судгача бўлган жараёнда, ноошкора усуллар марказий ўринни эгаллайди. Тергов ҳаракатлари тезкор-қидирув тадбирлари билан чамбарчас боғланган бўлиб, криминал полиция ходимлари (қўмаклашувчи шахслар ва бошқалар) эса ҳам терговчи, ҳам тезкор ходим сифатида қатнашадилар⁵. АҚШда бир қатор федерал идоралар тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширувчи субъектлар қаторига киради. Ушбу субъектлар асосан АҚШ Адлия вазирлиги таркибида бўлиб, улар жумласига, Федерал Тергов Бюроси(FBI), Марказий Разведка Бошқармаси (МРБ), Мудофаа вазирлиги разведка бошқармаси (МВРБ), Ҳарбий контрразведка, Гиёҳвандликка қарши курашиш бошқармаси (ДЕА), Алкагол, тамаки маҳсулотлари ва қўролларни назорат қилиш бюроси, Иммиграция ва натурализация хизмати, Маршаллар хизмати (суд қарорларини ижро этувчи хизмат бўлиб, улар федерал суднинг барча қарор ва кўрсатмаларини бажариш билан бирга суд томонидан берилган ордер бўйича қамоққа олиш, тинтув ўтказиш, олиб қўйишишларини амалга оширади, суд процессида тартиб сақлаш ва уларни қатнашчиларини ҳимоя қилиш билан шуғулланади), қирғоқни қўриқлаш хизматлари амалга ошириб келшади.

Жиноятчиликнинг уюшган турларига қарши курашиш Федерал Тергов Бўлимига юклатилган бўлиб, улар тезкор-қидирув фаолияти ва тергов фаолиятини амалга оширишади. Молия вазирлиги тизимида биздаги Департамент органлари каби молия-солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашувчи хизматлар мавжуд ҳамда Ички ароматлар хизмати (IRS) ва Молиявий ЖҚК бюроси (Fin CEN) бўлиб, улар ҳам тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш ваколатига эга⁶.

Италияда тезкор-қидирув тадбирлари субъектлари қаторига Молиявий Гвардия, Карабинерлар корпуси, Республика Хизмати ва полиция киради. Францияда Иқтисодий полиция, фирибгарларга қарши кураш бошқармаси киради.

Германияда эса Криминал полиция федерал маҳкамаси (Bundeskriminalamt), Конституцияни ҳимоя қилиш федерал хизмати, Ҳарбий контрразведка, Жиноий полиция, федерали ва жойлардаги идоралари хавфсизлиги хизматига худди биздаги Департамент органлари ваколатига кирувчи тезкор-қидирув тадбирлари, яъни почта жўнатмаларини назорат қилиш, телефон сўзлашуларини эшитиш, махсус тезкор-техник воситаларидан ва қўмаклашувчи шахслардан фойдаланиш каби ҳуқуқлар берилган⁷.

Буюк Британияда эса жиноятчиликка қарши курашувчи хизмат - бу Ички ишлар вазирли таркибига кирувчи Уюшган жиноятчиликка қарши курашиш агентлиги (SOCA) бўлиб, у тезкор-қидирув тадбирларини тўлиқ қўламда амалга оширади⁸. Венгрияда эса худди АҚШда бўлгани каби тезкор-қидирув тадбирларини амалга

⁵ Лубенский А.И. Предварительное расследование по законодательству зарубежных государств. – М,1987. С-255.

⁶ Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие/ А.С.Якубов, С.В. Асямов, А.А.Таджиев, Д.М.Миразов. –Т., 2010. С-452.

⁷ Полиция зарубежных стран: : система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие/ А.С.Якубов, С.В. Асямов, А.А.Таджиев, Д.М.Миразов. –Т., 2010. С-300-310.

⁸ Полиция зарубежных стран: : система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие/ А.С.Якубов, С.В. Асямов, А.А.Таджиев, Д.М.Миразов. –Т., 2010. С-153-185.



оширувчи органлар Адлия вазирлиги таркибига киради. 2004 йилда ўтказилган ислохотлар натижасида бир қатор хизматлар бирлаштирилиб, уларнинг Миллий тергов бюроси ташкил этилди (АҚШдаги ФТБга ўхшаш).

Ушбу хизмат уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик, терроризм, молия иқтисодиёт, коррупция ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа турларига қарши кураш олиб боради⁹.

Канадада 1970 йил 7 мартдаги ташкил этилган уюшган жиноятчилик тўғрисида маълумот хизмати (КИСК) мавжуд бўлиб, ушбу хизмат жиноятчиликка оид маълумотларни йиғади, рўйхатдан ўтказида, таҳлил қилади ва тарқатади. Марказий бюро бутун мамлакат бўйлаб ишлайди, маҳаллий бюро эса вилоятлар ўртасидаги материалларни асосий кортотекага жойлаштириш учун Марказий бюрога етказилади. Тизимнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари тўғридан-тўғри маълумот алмашишни таъминлаши жуда муҳим ҳисобланади¹⁰.

Хорижий давлатлар криминал полицияси тезкор-қидирув тадбирларида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш нуқтаи-назардан энг нозик муаммолардан бири, бу жиноятчилар муҳитига тезкор ёки кўмаклашувчи шахсларни киртишдир.

Швецарияда жиноятчилар муҳитига полиция штатидаги ходимларнинг киритилиши кенг йўлга қўйилган бўлиб, бунда шахслар “крот”лар деб ном олган. Венгрия полициясида ҳам жиноий муҳит ичида ишлаш бўйича чуқур махсус тайёрланган қисмларга эга. Германиянинг Гамбург криминал идораси уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси ҳам криминал муҳитга ишлашга мўлжалланган “ниқобли ходимлар” деб номланувчи шахслардан фойдаланилади¹¹.

Полициянинг штатдаги ходимлари жиноий муҳит ичига киритиш АҚШ конгресси томонидан коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашишнинг энг самарали курали деб топилган. Федерал Тергов Бўлими 1972 йилдан буён жиноятчиликка қарши курашишда кўмаклашувчиларнинг ёрдамидан фойдаланиб келади.

Америка Қўшма Штатларида Федерал Қидирув Бюроси (ФҚБ) барча жиноий ишларни федерал қонунларининг бузилишини тергов қиладиган асосий давлат идораси бўлиб, бошқа идораларга юклатилган ҳоллар бундан мустасно. Федерал Қидирув Бюроси ўз фаолиятида АҚШ қонунлари билан бир қаторда АҚШ Бош прокуратураси томонидан ишлаб чиқарилган 1982 йилда АҚШ Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган шахслар ёки ташкилотлар томонидан содир этилган жиноятларга оид жиноий тергов нормалари ва қоидаларига амал қилади. Федерал Қидирув Бюроси томонидан жиноятларни фош этиш мақсадида бу нормалар ва қоидаларга асосан турли ҳил қонуний усуллардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бундай усулларни

⁹ Полиция зарубежных стран: : система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие/ А.С.Якубов, С.В. Асямов, А.А.Таджиев, Д.М.Миразов. –Т., 2010. С-101-117.

¹⁰ Шипилов В.В. Международний опет организации информационного обеспечения оперативнорозыскной деятельности. Научная статья. Журнал. “Российский следователь”, 2013, №22.-С 33-43.

¹¹ Михайов А.И. Отдельное прочтение следователя. –М., 1990.-114-с.



қўллашдан олдин Федерал Қидирув Бюроси фуқароларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларга минимал аралашуви билан зарур маълумотларни олиш мумкинми ёки йўқлигини аниқлайди¹².

1968 йил 19 июнда АҚШ конгресси “кўча жиноятчилиги устидан назорат тўғрисида”ги қонунни қабул қилди. (Omnibus Crime Control and Safe Streets Act of 1968) Ушбу қонунга биноан АҚШда полицияга биринчи навбатда гумон қилинувчиларнинг сўзлашувларини эшитиш ҳуқуқи берилади. Тезкор йўллар билан олинган маълумотлар (шу жумладан, телефонларда сўзлашувларни эшитиш) асосида Америка судлари аксарият жиноятчиларнинг шу жумладан алоҳида мақомга эга бўлганларнинг кўпчилигини устидан ҳукм чиқаради¹³. 1970 йил 15 октябрда АҚШ конгресси “Уюшган жиноятчилик устидан назорат тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди, -RICO, (баъзи илмий манбаларда уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги АКТ деб номланади - РИКО). Ушбу қонун уюшган жиноий гуруҳ аъзолари ва раҳбарларини жиноий жавобгарликка тортиш учун жуда самарали восита бўлади. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ўзларининг тезкор-қидирув жараёнларида кўмаклашувчи шахслар хизматидан фойдаланишда Ғарб жамоатчилига таянадилар. Аҳолининг аксарият қисми жиноятчиликка қарши курашда махсус усулларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ваколатлари доирасида қўллашларини маъқуллайди¹⁴.

Хориж тажрибанинг кўрсатишича, тезкор ходим ёки кўмаклашувчи шахсни жиноий гуруҳ ичига фойдаланишдаги муҳим масалаларни ҳал этишни талаб қилади, яъни:

- а) киритишнинг ҳуқуқий тартибга солинганлиги;
- б) кўмаклашувчи шахсни танлаш;
- в) ходимни ниқоблаш ва унинг фаолияти устидан раҳбарлик қилиш;
- г) операцияни моддий ва техник таъминлаш;
- д) ходимни ишловдан чиқаргандан сўнг оддий шароитлардаги фаолиятига мослаштириш ва бошқалар.

Жиноий муҳитга киритиш бўйича юзага келадиган процессуал ёки ташкилий-ҳуқуқий тавсифидаги масалаларни ҳал қилишда прокуратура билан келишиши лозим¹⁵. Бу тезкор ходимдан кейинчалик фойдаланиш мумкинлиги тўғрисидаги масалани ҳам прокуратура ҳал қилади. Яъни, АҚШ тезкор ходимларни жиноий гуруҳга киритиш нафақат қонуний ҳаракат, балки расмий тергов ишларини бошланиши ҳисобланади. Ҳуқуқий томондан амалиётдагилар учун долзарб масала бу киритилган

¹² Шипилов В.В. Международный опыт организации информационного обеспечения оперативно-розыскной деятельности. Научная статья. Журнал. “Российский следователь”, 2013, №22.-С 42.

¹³ Быков А.В. Кикоть – Глуходедова – Т.В., Конституционно-правовые основы проведения оперативно – розыскных мероприятий полицейскими органами США // Научная статья. –М., 2013., 18-19-с.

¹⁴ Хайдаров Ғ., Алиев Х.Х., Хорижий давлатларда жиноятчиликка қарши курашнинг усулини айрим жиҳатлари.//Ўзбекистон Республикаси ИИО ЖҚ ва ТҚКБ аппаратлари фаолияти такомиллаштириш: Илмий мақолалар тўплами. – Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2010. –Б. 17-25.

¹⁵ Лубенский А.И. Предварительное расследование по законодательству зарубежных государств. -М 1987. -255 с.



ходим томонидан жиноят содир этилиши мумкинлиги, яъни жиноий жавобгарликдан сақлаш масаласини ҳал қилишдир¹⁶.

Тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш вақтида кўмаклашувчи шахслар томонидан фойдаланиш жараёнида жиноят содир этилиши эҳтимолдир. Аксарият хориж давлатларининг жиноят қонунчилигида жиноятчиликка қарши курашиш вазифасини бажараётган кўмаклашувчи шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш амалиёти мавжуд. Жумладан, Белоруссия Республикаси Жиноят кодексининг 38-моддасида “агар жиноятларни олдини олиш ва фош этиш юзасидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ махсус вазифаларни бажараётган шахс ушбу жараёнда жиноий гуруҳнинг бошқа аъзолари билан биргаликда қатнашиб, иложсиз равишда жиноят содир этилишида қатнашса жиноий жавобгарликка тортилмайди. (Шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига тажовуз қилиши билан боғлиқ оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этилиши бундан мустасно)” Худди шу каби нормалар Украина (43-моддаси), Эстония (12, 13-моддалари) ва бошқа давлатлар Жиноят кодекслари нормаларида мустақамланган¹⁷. АҚШда ҳам кўмаклашувчи шахсларга (ёки уларга ёрдам берувчи хусусий шахсларга) қасддан оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этиши тақиқланган. Лекин Федерал Тергов Бўлимининг тадбирлари бўйича Бош Атторнинг Йўриқномаси асосида уларга айрим ҳолларда жиноят таркибини ташкил этувчи жиноий ҳаракатларда иштирок этишга қўйидаги ҳолларда рухсат этилиши мумкин:

- а) гумонланувчиларни жиноий жавобгарликка тортиш учун дастлабки зарур ахборт ёки далилларни олиш учун;
- б) ишловдаги шахслар кўз олдида “афсона”нинг ишончлилигини тасдиқлаш;
- в) инсон ҳаёт ёки соғлиғига даҳл қилувчи хавфни олдини олиш ёки ушбу хавфни четлаб ўтиш мақсадларида¹⁸.

Кўмаклашувчи шахслар ишловдагиларни ишончини қозониш учун жиноят содир этишда иштирок этишга мажбур бўладилар. Уларнинг ўзига бевосита хавф туғилса, агар уни бошқа йўллар билан қайтариб бўлмаса, вазифани амалга ошириш тўхтатилиши мумкин. Жиноят деб топилган фаолиятда иштирок этиш учун Федерал Тергов Бўлими раҳбариятининг рухсати лозим бўлади. Ўғирланган ва контрабанда молларини олиш, сотиш билан боғлиқ жиноятларда ва бошқа майда ҳуқуқбузарликларда иштирок этиш учун Федерал Тергов Бўлими маҳаллий бўлинмаси бошлиғининг ёзма рухсатининг ўзи кифоя бўлади.

Америкаликлар разведкачи Г.К.Мордонеснинг фикрича, тезкор бўлинмаларда “WALKIN” деган усул мавжуд бўлиб, унга кўра кўмаклашувчи шахслар ҳамкорликка номзодлар ўз ихтиёри билан полиция идорасига келишади¹⁹.

¹⁶ Ахкубеков А.Х. Правовос реглирование за рубежом оперативно – розыскной деятельности

использования ее результатов в уголовном процессе. –М., 2014. –С-61.

¹⁷ Ахкубеков А.Х. Правовос реглирование за рубежом оперативно – розыскной деятельности использования ее результатов в уголовном процессе. –М., 2014. –С-105.

¹⁸ Ахкубеков А.Х. Правовос реглирование за рубежом оперативно – розыскной деятельности использования ее результатов в уголовном процессе. –М., 2014. –С-53.



Тезкор бўлинмалардаги кўмаклашувчи шахсларнинг миқдори ҳақида гапирилса уларнинг сони қатъий чекланмаган. Маълумки 1980 йилда Федерал Теогов Бўлими томонидан АҚШ конгресси аъзолари порахўрлик билан боғлиқ фаолиятни аниқлаш мақсадида ўтказилган “АБСКЭМ” операциясининг ўзида юздан ортиқ кўмаклашувчи шахслар қатнашганлар ва ушбу операция икки йил давомида давом этган.

АҚШда кўмаклашувчи шахс билан ишлашда чуқур консперация қоидаларига риоя қилиниши хаттоки суд жараёнларида уларни иштирок этилишига йўл қўйилмаслиги, уларнинг шахсини ошкор қилинишини олдини олиш борасида қатъий чораларни кўрилиши бизнинг қонунчилигимиздаги чораларга ўхшаб кетади²⁰.

Туркия давлатида жиноятчиликка қарши курашиш йўналишларида кўмаклашувчи шахслар ишидан самарали фойдаланилади. Хорижий давлатлар тезкор бўлинмаларининг жиноятчиликка қарши кураши борасида фаолиятларида ташкил қилиш асосида, уларнинг қўйидаги илғор тажрибаларини мамлакатимиз ички ишлар органлари тезкор қидирув фаолиятига тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Буюк Британия, Туркия, Венгрия давлатларининг уюшган жиноий гуруҳларидан мусодара қилинган моддий бойликлар ва маблағлар ҳисобидан ушбу жиноятни фош этишда иштирок этган ходимлар ҳамда кўмаклашувчи шахсларга рағбатлантириш тариқасида берилишини;
2. ГФР тажрибаси асосида тезкор бўлинмаларда хизмат қилиб, нафақага чиққан ходимларнинг имкониятларидан жиноятчиликка қарши кураш мақсадида кенг фойдаланилишини;
3. АҚШ ва Европа давлатлари тажрибасидан келиб чиқиб, жиноятчи шахслар ва уларнинг фаолияти бўйича ягона электрон ахборот базаси яратилиши ва ушбу базадан тезкор ходимлар фойдаланилишини услубиётини ишлаб чиқирилишини.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, хорижий давлатларда жиноят ва жиноятчи шахслар тўғрисидаги тезкор маълумотларни олиш, тўплаш ва уларни қайта ишлаш учун тезкор қидирув тадбирларини амалга оширилиши, бу орқали улар криминоген вазиятларни назорат қилиб бориши, жиноятларни фош этиш борасида амалий тажрибаларни таҳлил қилиб, улардан ахборотлар базасини яратиш бўйича бир қатор амалий тадбирлар йўлга қўйилиши лозим ҳамда бой амалий тажрибаларини бизнинг тезкор-қидирув фаолиятига жорий қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Республикамизда тезкор қидирув тадбирларида жиноятчиликка қарши курашиш сиёсати ички ишлар органлари тизимида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, оғир турдаги жиноятлар, масалан, қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, талончилик, ўғирлик, фирибгарлик, терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларнинг сабаблари, оқибатлари ва содир этилишига имкон берган шарт шароитларни ўз вақтида аниқлаб, уларнинг олдини олиш чораларини кўриш, бу турдаги

¹⁹ Гесснер Р. Херцог У. За фасадом прова Методь новый тайной полиции. –М., 1990. -87 с.

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги №344-сон Қонуни.



жиноятларни иссиқ изи совумасдан фош этиш, жиноятларни содир этишга тайёргарлик кўраётган ва дахлдор шахсларни аниқлаш, қидириб топиш, тергов ва суд органларидан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаган, бедарак йўқолган шахсларни қидириш, топшида барча тезкор-қидирув фаолияти билан шуғилланувчи тезкор ходимларни билимини, малакасини ошириш, ҳозирги куннинг асосий вазифалардан бири бўлиб келмоқда. бугунги кунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, шахслар дахлсизлигини таъминлаш борасида тезкор-қидирув фаолияти натижаларини расмийлаштиришда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар орқали фуқаролар ва кенг жамоатчилик орасида юзага келаётган ишончсизликни бартараф этиш ҳамда мамалакатимизнинг халқаро нуфузига путур етказмаслик, жиноятчиликка курашишда тезкор-қидирув фаолиятини одиллик ва инсонпарварлик принциплари билан ташкил этиш мақсадида, тезкор-қидирув ходимларини мунтазам равишда ўқув-семинар машғулотида ўтказиш орқали, соҳада ўзгаришлар, ҳориж тажрибалари, жиноятчиликнинг янги кўринишлари, тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш борасида малака ва кўникмаларини ошириб бориш ижобий натижасини беради деб ўйлаймиз.

References:

1. Ўзб.Рес.ИИВнинг “Ўзб.Рес.да Интерпол миллий маркази бюросини ташкил этиш тўғрисида”ги 1994 йилдаги № 335-сонли буйруғи.
2. Постановлению Президент Республики Узбекиствн № 2923с от 24.04.2017 года. “О мерих покоренному совершенствованию оперативно-розьской деятельности органов внутренних дел”.
3. Гордеев С.Н. Организация розьской работь провоохранительных роганов (зарубежный опыт)// Журнал зарубежного законодательство и сравнительного провования.-Т. Ўзб.Рес.ИИВ.Академиясининг ахборотномаси. 2016 №3. С-136-137.
4. Организация деятильности ОВД зарубежных стран.-М., 1990. С-320.
5. Лубенский А.И. Предварительное расследование по законодательству зарубежных государств. М,1987. С-255.
6. Полиция зарубежных стран: система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие/ А.С.Якубов, С.В. Асямов, А.А.Таджиев, Д.М.Миразов. –Т., 2010. С-452.
7. Полиция зарубежных стран: : система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие/ А.С.Якубов, С.В. Асямов, А.А.Таджиев, Д.М.Миразов. –Т., 2010. С-300-310.
8. Полиция зарубежных стран: : система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие/ А.С.Якубов, С.В. Асямов, А.А.Таджиев, Д.М.Миразов. –Т., 2010. С-153-185.
9. Полиция зарубежных стран: : система организации и опыт профессиональной подготовки кадров: Учебное пособие/ А.С.Якубов, С.В. Асямов, А.А.Таджиев, Д.М.Миразов. –Т., 2010. С-101-117.



10. Шипилов В.В. Международный опыт организации информационного обеспечения оперативнорозыскной деятельности. Научная статья. Журнал. "Российский следователь", 2013, №22.-С 33-43.
11. Михайлов А.И. Отдельное прочтение следователя. –М., 1990.-114-с.
12. Шипилов В.В. Международный опыт организации информационного обеспечения оперативнорозыскной деятельности. Научная статья. Журнал. "Российский следователь", 2013, №22.-С 42.
13. Быков А.В. Кикоть – Глуходедова – Т.В., Конституционно правовые основы проведения оперативно – розыскных мероприятия полицейскими органам США // Научная статья. –М., 2013., 18-19-с.
14. Хайдаров Ғ., Алиев Х.Х., Хорижий давлатларда жиноятчиликка қарши курашнинг усулини айрим жиҳатлари.//Ўзбекистон Республикаси ИИО ЖҚ ва ТҚКБ аппаратлари фаолияти такомиллаштириш: Илмий мақолалар тўплами. – Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2010. –Б. 17-25.
15. Лубенский А.И. Предварительное расследование по законодательству зарубежных государств.-М 1987. -255 с.
16. Ахкубеков А.Х. Правовое регулирование за рубежом оперативно – розыскной деятельности использования ее результатов в уголовном процессе. –М., 2014. –С-61.
17. Ахкубеков А.Х. Правовое регулирование за рубежом оперативно – розыскной деятельности использования ее результатов в уголовном процессе. –М., 2014. –С-105.
18. Ахкубеков А.Х. Правовое регулирование за рубежом оперативно – розыскной деятельности использования ее результатов в уголовном процессе. –М., 2014. –С-53.
19. Гесснер Р. Херцог У. За фасадом права Методы новой тайной полиции. –М., 1990. -87 с.
20. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрдаги "Тезкор-қидирув фаолияти туғрисида"ги №344-сон Қонуни.